



“RISHTON MO‘JIZALARI” QANDAY YARATILADI?



Адабиётга шайдолигим кулолчиликда ҳам жуда қўл келди. Янги-янги асарларни ўқиганим сайин миллий анъаналаримиз ва қадриятларимиз акс этган кулоллик намуналарини ярата бошладим. Айниқса, ўзбек нурунийларининг кулиб турган қиёфалари акс этган ранг-баранг ҳайкалчаларим роса харидоргир бўлди. 1999 йилда менинг фаолиятим ҳақида ҳикоя қилувчи “Риштон мўъжизалари” номли ҳужжатли фильм ҳам суратга олинди. Бадиий кулолчилик намуналари чет мамлакатларда бўладиган кўргазмалар каталогига киритилганлиги менга жуда катта шижоат бағишлади. Тинимсиз изланишларим ва меҳнатларим туфайли 44 ёшимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан “Ўзбекистон халқ устаси” унвонига сазовор бўлдим.

»3

Qishda gul o'stira olasizmi?



Барқ уриб очилиб турган гулни кўрган ҳар қандай инсоннинг кайфияти кўтарилиб, баҳри-дили яйрайди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, аксарият уй бекалари хонаки гуллар парвариш қилишни ўзларига сеvimли машғулот деб билишади. Ким ҳам истамайди дейсиз, уйда турфа хил гуллар бўй таратиб, яшнаб туришини. Дарҳақиқат, Аллоҳ берган ҳар бир неъматнинг ўз вазифаси бўлганидек, хонаки гулларнинг ҳам инсон учун фойдаси сероб.

●12

Mahliyo festival g'olibasiga aylandi

Яқинда Гонконг шаҳрида “DigiCon6 Asia Awards 2019” кинофестивали бўлиб ўтди. Унда дунёнинг турли мамлакатларидан кино санъатига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар иштирок этиб, фикр алмашиб, ижоди кенг оммага тарғиб қилинди. Танловда

тажрибали ва машҳур режиссёрлар билан бир қаторда ҳаваскор ижодкорларга ҳам кенг имконият берилди. Мазкур кинофестиваль анъанавий тарзда ўтказилиб келинса-да, ўзбекистонлик кино ижодкорлар бунда илк бора қатнашди. Унда ёш ижодкорлар Шокир Холиқов “Чой” ҳамда Маҳлиё Асқаралиева “Совға” номли қисқа метражли фильмлари билан иштирок этишди. Маҳлиё Асқаралиеванинг “Совға” фильми фестивалнинг “Next Generation” номинациясида голиб деб топилди ва у 25 ёшгача бўлган осиелик режиссёрларнинг ишлари орасида биринчи ўринни эгаллади. Фурсатдан фойдаланиб, Маҳлиё билан боғландик ва у билан суҳбатимизни санъат оламига кириб келишидан бошладик. »5



ZO'RAVONLIKKA YO'L YO'Q

Тошкент шаҳридаги «Миран» меҳмонхонасида Республикада илк мартаба ўтказилган «Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш 16 кун» халқаро кампаниясига бағишланган «Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва кейс-менежмент асосларига оид билимларни мустақамлаш On-line тест жараёни» ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик Жамғармаси (UNFPA) Ўзбекистондаги Ваколатхонаси томонидан ўтказилди.

Тантанали тақдирлаш маросимида энг юқори балл эгаси бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган 14 нафар Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, 14 нафар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустақамлаш бўйича мутахассислари, ҳамда 14 нафар жойларда On-line тестларни фаол ташкил қилган масъуллар иштирок этдилар.

On-Line тест жараёнини ўтказишдан мақсад – маҳалла фуқаролар йиғинлари вакилларининг Қўмита фаолиятини ташкиллаштириш, хотин-қизлар

ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик ва халқаро шартномавий ҳужжатлар, ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган аёллар ва уларнинг оилалари билан кундалик ишлашда кейс-менежмент ёндашуви каби мавзуларда билим ва кўникмаларини такомиллаштиришдир.

On-Line тест

жараёнига самарали тайёргарликни ташкил этиш мақсадида эса электрон шаклда ахборот материаллар тўплами тайёрланган бўлиб, тестда иштирок этишдан бир ҳафта олдин ушбу ахборот материаллар тўплами ҳар бир иштирокчига (МФЙ раиси ва хотин-

25 ноябрь –

Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш учун халқаро курашиш куни. Айна шу куни “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши 16 кун фаол ҳаракатлар” бошланади. Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам беришга курашиш халқаро куни 1999 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан расман эълон қилинган.



қизлар билан ишлаш бўйича мутахассисга) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг вилоят ва туман бўлимлари томонидан етказилган эди.

2019 йил 25 ноябрдан 5 декабргача республика бўйлаб On-line тест жараёни билан 20 минг нафарга яқин

маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари қамраб олинган, шу жумладан, 10 минг нафарга яқин маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва 10 минг нафарга яқини – хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустақамлаш бўйича мутахассислардир.

Иштирокчиларни тантанали тақдирлаш маросими якунида ташкилотчилар ҳамкорлар билан биргаликда рақамли технологиялар асосида миллий қонунчилик, халқаро шартномавий мажбуриятлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар билан ишлашга оид замонавий ёндашувлар мавзуларини ўз ичига олган ва аҳоли билан бевосита ишлаётган мутахассисларни билим

олишга ва уларни баҳолашга имкон берувчи On-line – тренинг ресурсини яратиш ҳақида муҳокама олинди.

Қўмита томонидан маҳаллалардаги мутахассисларнинг етарли билим даражасига, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлиши ва ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажара олишига қаратилган амалий чоралар кўрилмоқда.

“Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши 16 кун” – бу нима?

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳимлиги масалаларига халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини жалб қилиш мақсадида бутун дунёда 25 ноябрдан 10 декабрь кунларида “Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш 16 кун” кампанияси ўтказилди.

Мазкур кампания ўтказилиш даврида қуйидаги муҳим саналарга ҳам алоҳида эътибор берилди:

25 ноябрь- Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш учун халқаро курашиш куни. Айна шу куни “Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши 16 кун фаол ҳаракатлар” бошланади. Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам беришга курашиш халқаро куни 1999 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан расман эълон қилинган.



O'ZBEKISTON XOTIN-QIZLAR QO'MITASINING BAYONOTI

Жорий йил 13 декабрь куни knp.uz сайтида эълон қилинган “Россиядаги ҳаёт, одамларнинг муносабати, 15-16 соатлик иш, қийинчиликлар ва орзулар – мусофирчиликдаги ўзбек аёли билан суҳбат” номли таҳлилий мақола билан танишиб чиқилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова ҳамда Ховос тумани ҳокими Р.Бобоевнинг ҳолатни янада чуқурроқ ўрганиш ва ёрдам кўрсатиш бўйича топшириғига кўра, Сирдарё вилояти Ховос туманидан Россия Федерацияси Москва шаҳрининг Авиация институтига меҳнат шартномаси асосида ишлаётган фуқаро Маҳамматова Дилором Файзуллаевнанинг хонадонига борилди.

биргаликда ота-онасининг уй жойларини аёл боши билан ҳалол меҳнати асосида таъмирлаган, хонадонда яшаш учун шароитлар мавжуд. Оила аъзолари сони 5 нафар, оиланинг маҳаллада обрў эътибори яши.

Жорий йилнинг 14 декабрь куни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Матбуот котиби ҳамда Ховос тумани ҳокими Р.Бобоев телефон орқали фуқаро Д.Маҳамматова билан суҳбатлашди.

Туман ҳокими оилага моддий томондан амалий ёрдам, келгусида алоҳида уй-жой қилиб яшаши учун шарт-шароитлар яратиб берилишини маълум қилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Д.Маҳамматованинг юртимизга етиб келиш маблагини қоплашни кафолатлади ва юртимизда кечаётган қурилишлардаги юқори маош тўланадиган иш ўринларини тавсия қилишини билдирди.

Суҳбат якунида фуқаро



Д.Маҳамматова режаларини амалга ошириб бўлгач, 2020 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистонга қайтиш ниятида эканлигини маълум қилган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси юқоридаги каби турли сабабларга кўра

хорижда юрган, лекин қайтиш истағида бўлган, ўз Ватанини яхши кўрувчи меҳнаткаш опа-сингилларимизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёр.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Матбуот хизмати
oilavajamiyat@mail.ru

“RISHTON MO‘JIZALARI” QANDAY YARATILADI?



Фарғонага йўли тушган одам борки, Риштон кулollarи яратган мўъжизаларни бир кўриб кетмаса, кўнгли жойига тушмайди. Хунармандлар яшайдиган қишлоқларга кириб борсангиз, худди эртақлар максаганига келиб қолгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Анвойи рангдаги кўзалар ва лаганлар терилган ҳовлида эндигина тетапоқ қилиб қадам ташлаётган болакай ҳам лой чангаллаб нимадир ясашга, ота-бобосидан мерос бўлиб келаётган хунарни давом эттиришга ҳаракат қилаётганини кўриб, тўлқинлиб кетдик. Бизга пешвоз чиққан Ўзбекистон халқ устаси Набижон Қодиров билан бўлган суҳбатимиз ҳам мароқли кечди.

ШЕЪР ЎҚИБ, ДАСТГОҲ АЙЛАНТИРГАН БОЛА

– Узун қиш кечаларида онам сандал атрофида биз болаларга китоб ўқиб беришни сира қанда қилмас эди, – дейди Набижон ака. – Ҳазрати Ясавийнинг ҳикматлари, Бобур Мирзонинг ўтли газаллари, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг беқиёс шеърларини тинглаб улгайганмиз. Онам мендан талаб қиладиган энг ёқимли вазифа бу – шеър ёдлаш эди. Мактабга бормасимдан жуда кўп шеърларни ёддан ўқиб, тенгдошларимни ҳам хайратда қолдирганман. Мактабга борганимда ёдлаган шеърларим менга жуда асқотди. Барча тadbирларда фаоллик билан қатнашар, сахна кўринишларидаги асосий образларни жону дилим билан ижро этардим. Бир кунги ўртоқларим билан уйимиз атрофидаги кўчада ўйнаб юриб, Риштон бадий кулолчилик заводи ёнидан чиқиб қолдик. Ниҳоятда қизиқувчан бола бўлганим учун бу заводда ишлаётган одамлар билан суҳбатлашиб, кулолчиликка меҳрим тушиб қолди. Уйга келиб, мени кулолчиликка беринлар, дея онамдан роса илтимос қилганман. Бошида шунчаки қизиқиш деб ўйлаб, менга эътибор беришмади. Бироқ ҳол-жонларига қўймай гапираверганимдан сўнг отам қўлимдан етаклаб машҳур кулол Йўлдошали Эргашевнинг ёнига олиб борган. Шеър айтиб дастгоҳ айлантирганимни кўрган устозим менга, баракалла, Набижон, ҳам шoir, ҳам кулол бўлар экансиз-да, бир йигитга қирқ хунар оз, деб кулиб қўярдилар.

ЯНГИ ЙўНАЛИШНИ БОШЛАШ ОСОН БўЛМАДИ

– Устозим мени ўз ўғлидек қабул қилиб, астойдил хунар ўргатганлиги боис кулолчиликка қўлим жуда тез келишиб қолди, – дейди қаҳрамонимиз. – Хунар майдонда ўзига хос рақобат

ҳам бор эди. Қизиқувчан ва янгиликка иштиёқманд бўлганим боис, баъзи хунармандлар кўпинча мени шаштимдан қайтаришга ҳаракат қилишарди. Ана шундай кезларда устозим Йўлдошали Эргашев астойдил мени ҳимоя қилар, янгиликларимни катта қувонч билан қабул қиларди. Бу менга жуда катта қувват ва илҳом берарди. Ҳарбий хизматдан қайтганимдан сўнг бир кунги устозим уйларига қақирдилар. Ёнларига ўтқазиб, энди мустақил иш бошлайдиган пайтими келганлигини айтиб, дуо бердилар.

Ўз устахонамни очиб иш бошлар эканман, янги йўналишда фаолият юритишга қарор қилдим. Уша кундан бошлаб, оддий коса-товоғу кўзалар эмас, замонамиз талабига жавоб берадиган юқори сифатли ва миллий қадриятларимиз, аънаналаримиздан дарак берувчи совгабоп буюмлар тайёрлай бошладик. Гарчи бу иш аввалгидан кўра анчагина кўп меҳнат ва вақтни талаб қилса-да, астойдил киришиб

йилда менинг фаолиятим ҳақида ҳикоя қилувчи “Риштон мўъжизалари” номли ҳужжатли фильм ҳам суратга олинди. Бадий кулолчилик намуналари чет мамлакатларда бўладиган кўргазмалар каталогига киритилганлиги менга жуда катта шижоат бағишлади. Тинимсиз изланишларим ва меҳнатларим туфайли 44 ёшимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан “Ўзбекистон халқ устаси” унвонига сазовор бўлдим.

“УЧ КУНЛИК ДУНЁ”НИНГ ШИРИН ТАШВИШЛАРИ

Ўзбек Миллий академик драма театри санъаткорлари томонидан сахналаштирилган “Уч кунлик дунё” спектаклини кўрган бўлсангиз керак. Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Иброҳимбекова ижросидаги образлар ўзларининг самимиёти ва ўзбекона жиҳатлари билан диққатингизни тортади. Фанимат ум-

касбига ҳам жуда қизиққан эдим. Шукрки, бу борада ҳам армоним қолмади. “Муҳаббатим-қисматим”, “Зебузар”, “Қайдасан, оймомо?” фильмларида образ яратиш бахтига мушарраф бўлдим. Ҳозирги кунда янги бир қиссанинг ширин ташвишлари билан бандман. Ҳам ижод, ҳам хунарни бирдек олиб бориш, албатта, осон эмас. Бироқ кўнглида завқ ва иштиёқ бўлса, барчасига вақт топар экансиз.

КУЛОЛЛАР СУЛОЛАСИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

– Жорий йилда Кўкон шахрида бўлиб ўтган халқаро хунармандлар фестивалида мен қатнашолмадим, лекин ўғлим Асроржон қатнашди, – дейди Набижон ака. – Хорижлик меҳмонлар бизнинг сулоламизга жуда қизиқиб қолишибди. Оиламизда 9 та фарзанд бўлсақ, барчамиз кулолчилик билан шуғулланамиз. Бугунги кунда махсулотларимиз 100 дан ортқ мамлакатларга етиб борган. Турмуш ўртоғим билан қандай фойдoиллик билан ишлаган бўлсақ, бугунги кунда уч ўғлим: Асроржон, Сайёдбек, Шохидбеклар ҳам ўз оиласи билан Риштондаги кулолчилик корхонамизни ана шундай иштиёқ билан бошқаришмоқда.

НОЁБ ТУПРОҒИМИЗНИ АСРАШИМИЗ КЕРАК!

Суҳбатимиз сўнггида қаҳрамонимиздан бугунги кунда кулолларни ташвишга солаётган муаммолар ва ёшларнинг ушбу хунарга бўлган қизиқиши ҳақида сўрадик:

– Иқтидорли ёшларимиз бундан 20 йил олдинги даврдан кўра анчагина кўпайган. Уларнинг ишларини кўриб хайратланаман. Айниқса, ёш хунармандлар: Азизбек Солиев, Акмал Ўлмасжонов, Сарвар Мамажоновларнинг ишларини катта эътибор билан қузатиб бораман. Азизжонга кулолчилик борасида ўзим сабоқ берганман. Унинг изланувчанлиги ва иштиёқини кўриб келгусида ўзбек хунармандчилигида катта ўзгаришлар ва ютуқлар бўлишига умид қиламан.

Муаммолар ҳақида гапирадиган бўлсақ, илгари биз хумдонларни газ ёрдамида пиширар эдик, айна пайта эса кўпроқ электр печлардан фойдаланишяпти. Ўзингиз биласиз, вилоятларимизда газ ва электр борасида ҳали муаммолар тўлиғича ҳал этилгани йўқ. Бу, албатта, хунармандларнинг ишлари кечикишига, уларнинг кайфияти тушиб кетишига сабабчи бўлади. Шу боис яқин йиллар ичида чекка вилоятларимизда бу каби муаммолар бутунлай ҳал этилса, яхши бўлар эди. Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтмоқчийдим, Риштоннинг кулолчилик учун ишлатиладиган асл қизил тупроғи асраб-авайланиши керак. Бу тупроқни бошқа мақсадларда ишлатмаслигимиз зарур.

Ўзбекистон халқ устаси Набижон Қодиров билан бўлган суҳбатимиз давомида шунч англадикки, бу ижодкор инсон аяхшиликлар, гўзалликлар иштиёқидан изланишдан асло толмайди. Уста кулол яратган “Чойхона”, “Аския”, “Нуронийлар”, “Хўжа Насриддин”, “Қўшиқ” каби асарларни томоша қилар эканмиз, уларнинг ҳар бири бизга меҳмондўст, меҳнатқаш ва ор-номусли халқимизнинг ўзига хос ҳаётдан ажиб қиссалар ҳамда ҳикояларни сўзлади. Бутун дунё бўйлаб қанот ёзаётган бу ижодий заҳматдан яралган асарлар ҳали не-не қалбларга ЭЗГУЛИК деб аталмиш буюк кучни, илоҳий қувватни, ўзбек хунармандчилигининг бетакрор жозибасини бахш этишига ишонамиз.

Мухтасар ШЕРМУҲАММАД ҚИЗИ
“Оила ва жамият” мухбири.



кетдим. Менинг бу шахдим, албатта, атрофимдаги баъзи хунармандларга ёқмади. Бироқ ҳар қанча тўсиқлар ва машаққатларга қарамай, ўз мақсадимдан асло қайтмадим.

ХУНАРЛИ КИШИ ХОР БўЛМАС

– Чиндан ҳам бир йигитга қирқ хунар озлик қилар экан. Қизиқувчан бўлганим учунми ҳар бир хунарнинг ўзига хос жиҳатларини топишга ҳаракат қилар эдим. Деҳқончилик, ошпазлик, дурадгорлик, богбонлик... уларнинг ҳар бири ҳаётимдаги қайси бир эҳтиёжимни қоплашда менга жуда катта ёрдам берди. Шунингдек, ёзган шеърларим ва мақолаларимни тез-тез газета ва журналларга ҳам жўнатишни қанда қилмадим. Ижодий машқларимни эътироф этиб, матбуотда чоп этишганимда дунёга сизга бир хурсанд бўлганларимни бир кўрсангиз эди! Пьесалар ва болалар учун шеърлар ҳам ёздим. Адабиётга шайдолигим кулолчиликда ҳам жуда кўл келди. Янги-янги асарларни ўқиганим сайин миллий аънаналаримиз ва қадриятларимиз акс этган кулоллик намуналарини ярата бошладим. Айниқса, ўзбек нурунийларининг кулиб турган қиёфалари акс этган ранг-баранг ҳайкалчаларим роса харидорғир бўлди. 1999

рнинг ҳар бир фасли ўз ташвишлари ва қувончлари билан қадрли эканлигини таъкидлагувчи ушбу спектакль кўллаб юрдошларимизнинг олишларига сазовор бўлди. Ажойиб лирик кечинмалар ва ўзига хос қочиримлар билан бойитилган мазкур спектакль матини Ўзбекистон халқ устаси Набижон Қодиров ёзган. Суҳбатимиз давомида қаҳрамонимизнинг айна дамдаги ижодий режалари билан қизиқдик:

– “Уч кунлик дунё” спектакли етти йил давомида сахнадан тушмади. Мухлисларимнинг эътирофидан ҳар сафар кўнглим тоғдек кўтарилади. Бадий ижод одамага чексиз қанот бахш этади. Бирон асарни бошлаган кунларим ўзимни гўёки бошқа оламга тушиб қолгандек, учиб юргандек ҳис қиламан. “Антиқа ихтиро” номли пьесам ҳам кўллаб вилоят театрларида намоиш этилган. 2017 йилда “Гулетим” деган қисса ҳам ёздим. Ушбу қиссам ҳам кўллаб юрдошларимиз олқишига сазовор бўлди.

Болалар учун ёзган шеърларимни эса “Дўпли кийган болалар” ва “Энг яхши совға” деб номланган шеърий тўпламларимга жамлаганман. 2012 йилда режиссёр Со-бир Назармухамедов билан ҳамкорликда яратилган “Армонли дунё” фильми экран юзини кўрди. Болалигимда актёрлик



Бироқ ҳол-жонларига қўймай гапираверганимдан сўнг отам қўлимдан етаклаб машҳур кулол Йўлдошали Эргашевнинг ёнига олиб борган. Шеър айтиб дастгоҳ айлантирганимни кўрган устозим менга, баракалла, Набижон, ҳам шoir, ҳам кулол бўлар экансиз-да, бир йигитга қирқ хунар оз, деб кулиб қўярдилар.





BOLALAR MAYDONCHASI

KIMNIKI?

Кичкинтойим энди икки ёшга кирди. Омон бўлгур жуда шўх ва ўйинқароқ. Зерикди дегунча, шундоқ уйимиз ёнидаги янги болалар майдончасига олиб боринг, дея хархаша қилгани-қилган. Кунига 2-3 марта аргимчоқ унинг тилида "ха-ю читтигул" учиб келмаса, кунгли жойига тушмайди. Кунни кеча нонушасини чала қилиб яна болалар майдончасига отланди. Аммо зум ўтмай қайтди. Ёнимга етар-етмас бошларини сарак-сарак қилиб, кўзларини катта-катта очиб, хайрати ва ажабланишини яширмай "Ха-ю читтигул йўқ, ая!", — деди.

— Ойижон, Шоҳжаҳон яхши кўриб учадиган аргимчоқ синиб қолибди. Бошқасида учолмади. Шунинг учун тезда қайтдик. — Қисқагина изоҳ берди, қизим.

Шундан буён ўғлим болалар майдончасига ҳафсаласизгина бораётганини сезяман.

Оналар ва болалар майдончаси керак!

Маҳалламиздаги болалар майдончасига янги ўриндиқлар, янги аргимчоқлар ўрнатилди. Фарзандларимни эрталаб, кечга яқин болалар майдончасига олиб чиқаман. Янги, чиройли аргимчоқларда яйраб учаётган фарзандларимни кўриб, ўзим

ҳам завқ оламан. Уларни бир дақиқага кўздан қочирмасликка ҳаракат қиламан. Ўйингоҳда ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш, атрофдаги ўртоқларига зиён етказмаслик, аргимчоқларни бузмаслик кераклиги ҳақида таъкидлашдан асло эринмайман. Аммо боласини майдончага қўйиб, телефонда эҳтиёткор суҳбатга берилиб, аллақайси ижтимоий тармоқларга шўнғиб кетиб ёки икки-уч кўшни бир бўлиб алланималаридир муҳокама қилиб боласини умуман эсидан чиқариб қўядиганлар ҳам бор. Бундай вазиятда эътибордан четда қолган болалар йиқилиб, урилиб, туртиниб олгани етмагандек, битта болага мўлжалланган аргимчоқда уч-тўрттовлон бўлиб учишади. Танбёҳ берсангиз, тушунган оналар боласини тергайди. Баъзи "тинчи бузилган" оналарнинг қоши чимирилишидан "бола меники сенга нима..." деган сўзларни уқиб қийин эмас. Балки бундай "Фели кенг оналар" ва ҳеч нарсадан тап тортмайдиган болалар учун бундан-да яхши қулайликларга эга "оналар ва болалар майдончаси" керакдир?!

Нега хувиллаб қолди?

Янги болалар майдончасини кўриб кўзим қувонди. Бир-биридан чиройли ва ранг-баранг бўёқли аргимчоқлар. Яйраб-қунаб, шаталоқ отиб вақтинчи чоғ ўтказётган болаларнинг қувончини айтмайсизми? Беихтиёр "Аргимчоқлар турли-туман, қай бирда учинг келса, шунисида уч!", деб деб юборинг келади.

Очиғи, ўриндиғининг тахтаси кўчирилган, ҳатто таги билан кўпориб ташланган, умуман ярқисиз ҳолатга келиб қолган аргимчоқларни, атиги икки-уч нафар болақайнинг майдончада ҳафсаласизгина ўйнаётганини кўриб ичим ачишди...

Бир ҳафта ўтиб йўл ёқалаб боарканман, янги болалар майдончаси хувиллаб ётганини кўрдим. Майдончада катталар турниги, баскетбол дарвозаси, яна икки ёқлама аргимчоқдан бошқа ярқисиз аргимчоқ йўқ. Очиғи, ўриндиғининг тахтаси кўчирилган, ҳатто таги билан кўпориб ташланган, умуман ярқисиз ҳолатга келиб қолган аргимчоқларни, атиги икки-уч нафар болақайнинг майдончада ҳафсаласизгина ўйнаётганини кўриб ичим ачишди...

СИНГЛИНГ, УКАНГ ҲАМ УЧАДИ

— Ҳой, болалар! Қани, маҳалланга жўнаб қолинглар-чи. Музқаймоқ қоғозларини ким ташлади? Бу укаларинга мўлжалланган аргимчоқ, сенларни кўтармайди.

Раҳима ая болаларига танбёҳ бериб, янги, аммо энди бироз эскирган болалар майдончасининг бир чеккасига ўрнатилган ўриндиққа астагина чўкди.

Яқинда ширкатдагилар болалар майдончасини таъмирлаб, янги аргимчоқларни ўрнатилди. Ҳали икки ой ўтмасдан аҳолини қаранг. Кап-ката, ақли расо болалар ҳаммаси. Бирортасининг онаси — ҳой уканг, синглинг учар, бузма, болам, демайди. Синдириб, қийшайтириб кетишибди, тарбия кўрмаганлар...

Онахоннинг сўзларини бундан бир фурсат олдин ўрнатилган, аммо ҳозир ярқисиз ҳолатга келиб қолган янги аргимчоқлар исботлаб турарди...

Bilasizmi?

келиб қўйишади. 2002 йилда бундай мактаблар очилганидан буён 70 минг бола улдарда таълим олди.

ҲОР МАКТАБИ

Донгзхонг Мид бошланғич мактаби Гуйжоу провинциясидаги тоғли қишлоқ Мяода жойлашган. Бу вилоят давлатдан жуда оз миқдорда ёрдам оладиган Хитойнинг энг камбағал ҳудудларидан бири. 1984 йилда маҳаллий ҳамжамият тоғ қоридидаги мактабни жиҳозлашга қарор қилди. У ерда тўққизта ўқитувчи ва деярли икки юз ўқувчи учун жой етарли эди. Яқин атрофда бошқа мактаб йўқлиги сабабли ўқувчилар ғор мактабга бориб келиш учун олти соат вақт сарфлашар эди. Ушбу таълим муассасаси 23 йил фаолият юритди.

Қувонч РЎЗМЕТОВА,
Хива туманидаги 31-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Хулоса ўрнида

Болалигимизда дадам бизга аргимчоқ олиб берганди. Ҳали ҳамон ота уйимга борсак, фарзандларимиз худди ўша аргимчоқда яйраб учишади. Онамнинг бот-бот "Навбат билан секин учинглар", "Ёмғир, қор ташлапти аргимчоқни қуруққа олиб қўйинглар" деб, оғохлантиришларини эслайман. Лекин, бирор марта онам "бузасизлар" деб аргимчоғимизни йиғиштириб қўйган эмас. Унда маъза қилиб учардик. Шу аргимчоқ оиламиздаги олти болани беминнат катта қилди. Ҳозир болаларнинг болалари, яъни набиралар ҳам вақтинчалик қилляпти. Ҳўш, бизнинг аргимчоқ 25-30 йилдан буён нега бузилмади?..

Орамыда аргимчоқлар ўзи жуда но-зик, салгинага метали қийшайиб синиб кетади, деб ўзини оқловчилар ҳам топилади, албатта. Аммо биз катталар боламизнинг қайси аргимчоқдан фойдаланиши мумкинлигини фарқлай оламиз-ку?!

Турмушимизни обод, ҳаётимизни фаровон этиш борасидаги янгиликни ва ўзгаришларни бевосита гувоҳи бўлганимиз сайин дилимиздаги шукроналик тилимизга кўчади. Айниқса, оққандек асраб-авайлаб, жонимиз қадар азиз билиб ардоқлаган фарзандларимизнинг бугуни, эртаси учун олиб борилаётган эврилишларни айтмайсизми? Қайта таъмирланаётган, янгидан барпо этилаётган болалар майдончалари айнан ана шундай эзгу ишларнинг бир кўринишидир. Ўйингоҳлар болаларнинг соғлом, бақувват бўлиб улғайиши баробарида уларнинг бегубор оламига қанчалар кўп қувонч бахш этишини кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Шу ўринда болаларнинг аргимчоқнинг биттагина темирини бураб носоз ҳолатга келтириши ёки шундай ҳолатни табиий қабул қилиши ва индамайгина кўшилиши бузғунчилики давом эттиришини ҳам ўйлаб кўриш керакмикин?..

Қачон бу — нарса маҳалланики, кўпчиликники, деган тушунчани четга суриб, ўзимники, бизники дейишга ўрганимиз? Нега кўпчиликникини ўзимизникидек қадрлаб, асраб-авайламаймиз? Наҳотки, юқорида келтирганимиз ҳали ҳаёт ҳақидаги тушунчалари тўлиқ шаклланиб улгурмаган болақайдек қуюнчақ бўлмасак? Ёки бўлмаса, болалигида чиллақ, бештош ўйнаб, бугун неварга-звараларининг шодлигидан қалби орзиқиб, борини борича асрай олмаётганлардан ранжиган онахондек қайғурмасак?

Балки сиз юқорида келтирилган лавҳаларда ўзингизни, бошқа бирорни танигандирсиз. Тасодифан шундай ҳолатларга дуч келган ёки гувоҳ бўлгандирсиз. Чунки бу ўзимиз ҳақимиздаги гаплар.

Гулноза ТУРҒУНБОВА,
Журналист.

DUNYODAGI G'AROVIB MAKTABLAR

Дунёнинг турли мамлакатларида истиқомат қилаётган ўқувчилар учун умумий стандартлардан тубдан фарқ қилувчи жуда ажойиб ва ноёб таълим муассасалари мавжуд. Улар сизни ҳайратга солиши табиий.

ХАРАЖАТЛАР ОШИШИ ТУФАЙЛИ ЁПИЛДИ

Бу АҚШдаги биринчи ер ости мактабидир. Уруш даврида Нью-Мексико штатининг Артезия шаҳри ҳукумати ядровий ҳужумда бошлана вазифасини бажарадиган мактаб қуришга қарор қилди. Ушбу таълим муассасаси учта турли хил қиришга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири пўлат эшик билан ҳимояланган. Мактаб 20 мегатонна портлашга дош бериш имкониятига эга. Мактабда ёнилғи захираси, шамоллатиш тизими билан таъминловчи

автоном генератор мавжуд эди. Або мактаби 1995 йилда хизмат кўрсатиш харажатларининг ошиши туфайли ёпилди.

100 ТА ҚАЙИҚ "ЎҚИШ" УЧУН

Бангладешда йилга икки марта сув тошқини юзага келади, унда миллионлаб одамлар катта ердан, электр энергиясидан ва асосий эҳтиёжлардан узилиб қолади. Йиллик офатлардан қелиб чиқадиган муаммоларга қарши курашиш учун улар ёрқин ечим топдилар — бу сузувчи мактаблар. Ҳаммаси бўлиб 100 та қайиқ "ўқиш" учун очилган, уларнинг ҳар бири қуёш панелларидан керакли энергия олади, ноутбук, интернет алоқаси ва кичик кутубхона билан жиҳозланган. Шу билан бирга қайиқларнинг ўзлари эрталаб уйдан болаларни олиб кетишади ва мактаб автобуси сингари уйларида олиб

ТУЗАТИШ

"Оила ва жамият" газетасининг 2019 йил 11 декабрь сони 10-саҳифасида "Халқ ичиди, халқ билан бўл!" сарлавҳали мақоладаги, "Муаммолар жойида ҳал этилмоқда" сарлавҳасининг иккинчи абзацдаги "Оила" маркази томонидан уй-жойнинг 25 фоиз тўловли оғир турмуш шароитида яшовчи хотин-қизларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилди", жумласи кўндалмакча ўқилсин: "Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан уй-жойнинг 25 фоиз бошланғич тўлови оғир турмуш шароитида яшовчи хотин-қизларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилди".

MAHLIYO FESTIVAL G'OLIBASIGA AYLANDI

Яқинда Гонконг шаҳрида "DigiCon6 Asia Awards 2019" кинофестивали бўлиб ўтди. Унда дунёнинг турли мамлакатларидан кино санъатига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар иштирок этиб, фикр алмашиб, ижоди кенг оммага тарғиб қилинди. Танловда тажрибали ва машҳур режиссёрлар билан бир қаторда ҳаваскор ижодкорларга ҳам кенг имконият берилди. Мазкур кинофестиваль анъанавий тарзда ўтказилиб келинса-да, ўзбекистонлик кино ижодкорлар бунда илк бора қатнашди. Унда ёш ижодкорлар Шокир Холиқов "Чой" ҳамда Махлиё Асқаралиева "Совга" номли қисқа метражли фильмлари билан иштирок этишди. Махлиё Асқаралиеванинг "Совга" фильми фестивалининг "Next Generation" номинациясида ғолиб деб топилди ва у 25 ёшгача бўлган осиелик режиссёрларнинг ишлари орасида биринчи ўринни эгаллади. Фурсатдан фойдаланиб, Махлиё билан боғланиш ва у билан суҳбатимизни санъат оламига кириб келишидан бошладик.

– Болалигимдан санъатга, муסיқага меҳрим бўлакча эди. Дада ҳарбий соҳада фаолият юртиши боисми, оилада қаттиққўл ва талабчан инсон. Узимда ҳам тортинчоқлигим борлиги сабаб, уларга санъат соҳасини танламоқчи эканлигимни айтишга ийманардим. Ота-онам мени кўпроқ таржимонлик йўналишида таълим олишимни исташарди. Шунинг учун Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги лицейга ҳам олиб боришди. Лекин афсуски, бу соҳада ўқишни давом эттира олмадим. Санъатга бўлган меҳрим барибир устун келиб, онам орқали мақсадимни дадамга етказишга ва уларнинг розилигини олишга муваффақ бўлдим. 2015 йилда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кино телевидение ва радио режиссёрлиги факультети талабаси бўлдим.

Бугунги кунда магистратура босқичида тахсил олаётган Махлиё ўқиш давомида ҳам тинмай ижод қила бошлади. Фильмларда эпизод ролларни ижро этиб борди. Катта кинодаги дебют қаҳрамони эса Зулфиқор Мусоқовнинг "Берлин-Оққўрғон" фильмидаги Улфат исмли қиз образи бўлди. Актрисалик билан бирга режиссурани ҳам ташлаб қўймади. "PROlogue" халқаро кинофестивалида ижоди билан қатнашиб, совриндорлар қаторидан жой олди. Фестиваль ёш киноижодкорни янада руҳлантирди, изланишда давом этиши учун янги имкониятлар эшигини очди.

Махлиё "DigiCon6 Asia Awards 2019" фестивалида биринчи марта қатнашишига қарамай, томошабин ва ҳакамларни "Совга" си билан ўзига махлиё қилишга эришди. Осие бўйича иқтидорли муаллифларни топиш, танитиш ва уларнинг ажойиб ишлари учун рағбатлантириш мақсадида ҳар йили ўтказиб келинаётган кинофестиваль Махлиё учун катта танловларга иштирок этиш-
oilavajamiat@mail.ru



Энг яхшилар қаторида эканлигимни билгач, ...ҳолатимни тасвирлай олмайман. Бутун залнинг нигоҳи менда. Юртимиз номи, фильмим ва исм шарифимни эълон қилишгандан сўнг, кўзларимдан беихтиёр севинч ёшлари чиқиб кетди. Уша онда мендан бахтиёр инсон йўқ эди, гўё.



га замин яратгани, шубҳасиз.

– Мазкур халқаро қисқа метражли фильмлар фестивали Япониянинг TBS медиа маркази томонидан ташкил этилди – дейди Махлиё. – Фестивалда Япония, Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Корея, Малайзия, Сингапур, Тайвань ороллари, Таиланд каби бир қатор кино санъати ривожланган давлатлардан ёш киноижодкорларнинг қисқа метражли, анимацион фильмлари намойиш қилинди. Тақдирлаш маросими куни ҳаммани кетма-кет номи билан қақчириб, диплом ва эс-далик совғалар беришяпти. Негадир ҳеч мени қақирмаяпти, улар орасида номим чиқмаяпти. Ҳайрон бўлдим. Чунки ўзимни пастки натижалар ичидан қидираётгандим. Сабаби, у ерда қатнашаётган иқтидорли ижодкорларнинг энг яхши фильмлари бор эди. Кейин асосий ўрин соҳибларини чорлаш бошланди. Энг яхшилар қаторида эканлигимни билгач, ...ҳолатимни тасвирлай олмайман. Бутун залнинг нигоҳи менда. Юртимиз номи, фильмим ва исм шарифимни эълон қилишгандан сўнг кўзларимдан беихтиёр севинч ёшлари чиқиб кетди. Уша онда мендан бахтиёр инсон йўқ эди, гўё.

Махлиё ҳакамлар орасида асли эронлик, лекин бугунги кунда Японияда яшаб, ижод қилиб келаётган Саха Роза деган актрисага биринчи кундан оқ ҳаваси келиб, меҳри тушиб қолди.

– Саха Розанинг ижро этган ролларини томоша қилмаган бўлсам-да, унинг чехрасидан, ўзини тутишидан маҳоратли актриса эканлигини ҳис қилдим, – дея суҳбатда давом этади Махлиё. – Унинг фильмим ҳақидаги илиқ фикрлари мени янада ижод қилишга ундади. Совринни оларканман, сахнада Саха Розанинг менга билдирган ишончи учун ташаккур билдирдим.

Бугун қисқа метражли фильмларнинг ҳам катта премьералари бўлиб ўтмоқда. Қисқа метражли фильмлар – кинематографнинг жуда муҳим таркибий қисми, бу йўналишнинг ривожини бутун киночиликнинг ривожига улкан таъсир кўрсатади.

– Кинематографияда қисқа метражли фильмлар ўзига хос форматга, йўналишга эга, – дея фикрини давом эттиради қаҳрамонимиз. – Режиссёрлар улардан катта фильмда айтиб

бўлмайдиган нарсаларни айтишда фойдаланади. Аслида тўлиқ метражли фильмдан кўра, қисқа метражли картиналар олиш жуда мураккаб. Унда тўлиқ сюжет кўрсатилмайди, балки жуда кичик бир воқеа ёрдамида катта маъноларни очиб беришга, томошабинга ноодатий бирор нарса кўрсатишга ҳаракат қилинади. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кинотикасида (кинолар сақланадиган жой) жуда кўп яхши ишланган кинокартиналар жой олган. Негадир телевидениеда қисқа метражли фильмларнинг намойишига эътибор катта эмас. Бугун замон шиддат билан ривожланыпти. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш зарур бўлган дамда баъзи маийш кинолар бироз томошабинни зериктириши билан бирга вақтини ҳам ўғирлайди. "Совга" 15 дақиқалик фильм. Мана шу кичик тасмаларга катта маъно жойлашга ҳаракат қилганман. Қисқа форматли фильмларнинг битта яхши томони бор, томошабин учун ҳам жуда қулай, яъни, оз вақт сарфлаб, яхшигина эстетик завқ оласиз.

"Совга" ни томоша қилиб, амин бўлдимки, асарнинг номи ўзига хослиги билан томошабин диққатини тортади. Тасмани кўришни бошлаганингизда, экранда номига мос ўзига хослик намоён бўлади. Рус адиби Василий Макарович Шукшиннинг "Этик" ҳикояси асосида ишланган мазкур фильмда бир жуфт аёллар оёқ кийимни воситасида оилада эр-хотиннинг муносабати ва муҳаббат ришталари, умуман инсоний туйғуларни очиб беришга ҳаракат қилинган. Кейинги пайтларда халқаро фестивалларда қисқа метражли фильмларга эътибор қаратилаётгани, мўъжизагина ижод намуналари турли халқаро танловларда муносиб баҳоланаётгани қувонарли ҳол. Қолаверса, бу каби фестивалларда қатнашиб Махлиё каби ёш ижодкорларга тажриба ҳамда янги имкониятлар майдони бўлиши, шубҳасиз. Зотан, машҳур режиссёрлар илк фаолиятларини дастлаб қисқа фильмлардан бошлашган. Омада эришганлари эса катта кинога қўл уришган. Ўйлаймики, Махлиё ҳам келажакда ўзбек кино санъати ва санъатида ўзининг дурдона асарлари ва ёдда қоларли роллари билан ном қолдиради.

Чарос ДЎСТАТОВА
суҳбатлашди

SUV KELTIRGAN ELDA AZIZ

undan samarali foydalanish davr talabi

Бебаҳо неъматлар орасида сув алоҳида аҳамиятга эга ва у тирикчилигимиз манбаидир. Шу боис инсон ҳаётида сув ва сув манбалари, айниқса, чучук сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Бежизга қарияларимиз "Сувга тупурма!", "Сувни ифлослатма!", "Ариққа ахлат ташлама!" каби ўғитларни айтишмаган. Бунга амал қилганлар асло кам бўлмайди.

– Бутун дунёда сув масаласи долзарб муаммо бўлганидек, юртимизда ҳам сувни ифлослантормаслик, ундан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу борада "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Президентимизнинг 2017 йилдаги "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги, хусусан, 2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилишга қаратилган меъриий ҳужжатлари соҳада замонавий бозор механизмларини жорий этиш ва янги тизимни шакллантириш имконини бермоқда, – дейди Фарғона вилоят

"Сувоқава" ДУК директори Фаррухбек Қодиров. – Ҳали соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам бисёр. Жумладан, вилоятимиздаги мавжуд оқава сув тозалаш иншоотларининг ҳаммасиниям фойдаланишга яроқли деб бўлмайди. Бундан ташқари, канализация тизимларини қуриш ва барпо этилаётган янги уйлар ва иншоотларни тизимга улаш масалаларининг тўлиқ олиб борилишида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Чунки вилоят миқёсидаги мавжуд паррандачилик, тўқимачилик ва ишлаб чиқариш корхоналари томонидан чиқарилаётган чиқинди сувлар ариқларга ёки зовурларга қўшилади. Натижада, маҳаллий аҳоли ана шу сувлардан ҳам билиб-билмай ўз маиший ахтиёжи учун фойдаланадилар. Ушбу муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун соҳада замонавий технологияларни жорий этиш, худудларда соғлом санитария-эпидемиология ҳолатини таъминлаш ва такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидир.

Дарвоқе, "Сув зар, сувчи заргар" дея бежизга айтилмаган.

Мустақилликдан сўнг мамлакатимизда сувдан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларга янада катта аҳамият қаратилди. Шу боис сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устувор масалалардан бирига айланди.

Жумладан, Фарғона вилояти миқёсида ҳам жорий йилда бу борада бир қанча ишларнинг амалга оширилгани бунинг яққол мисолидир. Айни пайтда, тизимда тегишли дастурлар доирасида ичимлик суви таъминоти ва оқава сув хизматларини яхшилаш мақсадида давлатимиз томонидан ажратилган 91,4 млрд.сўм маблағлар доирасида 507,6 км ичимлик сув ва 23 км. оқава сув тармоқларини қуриш, 35 та ичимлик сув минораси ва 74 та ичимлик сув насосларини ўрнатиш, 39 та ичимлик суви қудуқларини қуриш ва қайта қуриш ишларининг якунига етай деб қолгани эътиборга моликдир.

Айтиш жоизки, Фарғона вилояти миқёсида ҳозиргача "Инвестиция", "Обод қишлоқ" ҳамда "Обод маҳалла" дастурлари асосида 205,3 км. ичимлик суви ва 10,5 км. оқава сув тармоқларини қуриш, 10 та ичимлик сув қудуқларини қазिश ва 25 тасини реконструкция қилиш, 45 та ичимлик сув насослари ва 24 та сув минорасини ўрнатиш, 16 тасини реконструкция қилиш, 6 та ичимлик сув



сақлаш резервуарини реконструкция қилингани сув соҳиблари меҳнати самарасидир. Жумладан, вилоятдаги мавжуд 22 та объектлар учун жорий йилда бажарилиши кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишлари учун 55,0 млрд.сўм, қурилишни молиялаштириш учун 52,2 млрд.сўм лимит маблағлари ажратилди.

Ушбу маблағлар ҳисобидан ҳозирги кунгача бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг қиймати 45,6 млрд.сўмини ташкил этгани ҳолда, мавжуд объектларда 7 та ичимлик сув қудуқларини қазिश, 14 тасини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, 16 та ичимлик сув насослари ўрнатиш ва монтаж қилиш,

"Обод қишлоқ"

дастури бўйича 102,8 км ичимлик сув тармоқлари қуриш, 3 та ичимлик сув қудуғи қазिश, 11 та ичимлик сув қудуқларини реконструкция қилиш, 28 та ичимлик сув насоси ўрнатиш, 17 та ичимлик сув минораси ўрнатиш, 16 та сув минораси реконструкция қилиш ишларининг амалга оширилгани соҳада фаолият кўрсатаётган сув соҳибларининг меҳнати самарасидир.

7 та сув минораси ўрнатиш, 6 та ичимлик сув сақлаш резервуарини қуриш ва 5 тасини таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш, 69,2 км. ичимлик сув тармоқлари ва 3,8 км. оқава сув тармоқларини қуриш ва монтаж ишлари амалга оширилди.

"Обод маҳалла" дастури доирасида эса 33,3 км. ичимлик сув ва 6,7 км. оқава сув тармоқларини қуриш, 1 та ичимлик сув насоси ўрнатиш ишлари амалга оширилди.

"Обод қишлоқ" дастури бўйича 102,8 км ичимлик сув тармоқлари қуриш, 3 та ичимлик сув қудуғи қазिश, 11 та ичимлик сув қудуқларини реконструкция қилиш, 28 та ичимлик сув насоси ўрнатиш, 17 та ичимлик сув минораси ўрнатиш, 16 та сув минораси реконструкция қилиш ишларининг амалга оширилгани соҳада фаолият кўрсатаётган сув соҳибларининг меҳнати самарасидир.

Эътиборлиси, олиб борилган ишлар натижасида 52 минг 500 нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланади. 244 минг 785 нафар аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланади.

Бундан ташқари, айни пайтда, Фарғона вилоят "Сувоқава" ДУК тасарруфидаги шаҳар ва туман филиаллари куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича 33 км. ичимлик сув тармоқларини мукамал, 48 км. ичимлик сув тармоқларини жорий ҳамда 31 та ичимлик сув насосларини таъмирланишига эришди.

Фарғона вилоят "Сувоқава" ДУК ўз маблағлари ҳисобидан яна 3 та ичимлик сув қудуғини қазिश, 4 та ичимлик сув минорасини ўрнатиш, 5 тасини реконструкция қилиш, 71,4 км. ичимлик сув тармоғи тортиш ва 25 та ичимлик сув насосини ўрнатишни ҳам удалади.

Бундан ташқари, Қўштепа, Данғара, Фурқат, Бешарик туманлари филиалларига янгидан маъмурий бино қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди ва айни дамда Ўзбекистон туман филиали маъмурий биносини мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шундай хайрли ишларга бошқош бўлиб, эл дуосини олаётган сув соҳиблари янги йилни муносиб кутиб олиш учун меҳнат қилмоқдалар.

Марьям АХМЕДОВА

oilavajamiyat@mail.ru

OILAVIY AJRIMLAR SABABI NIMA YOKI KIM?

2017 йилдан буён ОАВда энг кўп чоп этилган мақолаларнинг олдинги рўйхатини ажримларга бағишланган таҳлиллар эгаллаган. Бу муаммоларнинг олдини олиш борасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Оила" марказлари томонидан доимий равишда амалий ишлар олиб борилмоқда. Бироқ, оилавий ажримлар сони камайиш ўрнига ортиб бормоқда? Мисол учун 2019 йилга келиб Тошкент шаҳри ҳамда Жиззах вилоятида ажримлар ўсаётгани ҳақидаги статистика бу борада яна мулоҳаза юритишга ундади.

ТОШКЕНТ ВА ЖИЗЗАХДА АЖРИМЛАР ОШГАН. НЕГА?

Хабарда 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ФХДЭ органлари томонидан 194,9 минг никоҳ қайд этилиб, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 7,8 промиллени ташкил этгани қайд қилинган. 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ФХДЭ органлари томонидан 23,6 мингга никоҳдан ажрашишлар қайд этилган бўлиб, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажрашиш коэффициенти 0,9 промиллени ташкил этди.

Ажримлар сонидан 2018 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳри (8,8%) ва Жиззах (3,9%) вилоятига тўғри келмоқда.

САБАБЛАР НИМАДА?

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар бошқармасига ушбу муаммоларни келтириб чиқараётган омиллар ҳусусида фикр сўраб мурожаат қилдик.

— Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 9 ойи давомида ажрашиш ҳолатлари жами 3408 тани ташкил этди, — дейди бошқарма бошлиғи Шоҳида Шомуталова. — Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 277 тага кўп. (Энг кўп ошган туманлар: Юнусобод 418 та (+26), М.Улуғбек 409 та (+71), Чилонзор 372 та (+67), Учтепа 379 та (+61), Шайхонтоҳур 324 та (+25).

Таҳлил натижаларига кўра: Суд ажрим қарорига асосан (2019 йилдаги) - 779 та оила - 23%, ФХДЭ қарорига асосан - 1097 та оила - 32,1%, Ёш оилалар (30 ёшгача умумий сондан) - 998 та оилалар - 29,3%.

Ажрашишга эса қуйидаги муаммолар сабаб қилиб кўрсатилди. Оилавий келишмовчилик туфайли, узоқ вақт бирга яшамаслик, ичкилик ва гиеҳвандлик туфайли, фарзандсизлик, миграция, хиёнат, моддий қийинчилик ва бошқа сабаблар...

Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида ажрашган оилалар ўртасида сўровномалар ўтказилиб, таҳлил қилинди.

"Қандай шароитларда оилангизни сақлаб қолиш мумкин эди?" деган саволга бешта туманда сўралганларнинг кўпчилик жавоблари "агар ота-оналар ва қариндошлар аралашмаганларида эди", "агар фарзандимиз бўлганида эди", "алоҳида яшаш", "хиёнатни кечира олганимизда эди", "эрим ичмаганида эди" каби фикрлар билдирилди.

"Оилангизни сақлаб қолишга ким ёрдам берди ёки ҳаракат қилди?" деган саволга респондентлар кўпроқ жамоатчилик деган жавобни бердилар. Бироқ ёрдам кўпроқ вазиятларни ўраниш ва суҳбатлар, яраштиришга ўринишлари кўринишларида кўрсатилди.

"ЭРКАК БЎЛСАНГ, ҲОЗИРОҚ ЖАВОБИМНИ БЕР!"

Кўпчилик ёшлар оилавий ажрим-

ларни эр ва хотинга тегишли бўлган муаммо деб ҳисоблайди. Афсуски, оила ортида фарзандлар ва юрт тақдирини турар экан бу ишга барча бирдек ўзини дахлдор ҳис этмоғи зарур. Шундай экан ажрим масаласи ижтимоий тармоқларда ҳам муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Ханифа Умматқуллова:

— Хизмат юзасидан кўпгина нотинч оилалар мурожаат қилишади. Жанжал сабабини суриштирсак аслида арзимаган майда нарса бўлиб чиқади. Аммо эр жаҳл устида оғзига "ёмон гап" олиб қўйган. Уртада болалар сарсон. Кўпинча бунга аёлларнинг қайта-қайта "эркак бўлсанг ҳозироқ жавобимни бер!!!" деб туриб олишлари сабаб бўлмоқда. Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Кейинги пайтда йигитларимизнинг ҳам оғзига бу сўз тез келадиган бўлиб қолди, афсус!!!

ЙИГИТЛАРНИ МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ КЕРАК

Жорий йилнинг 29 октябрь кунини пойтахтимизда «Оила ва маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этишда жамоат ва давлат ташкилотлари ҳамкорлиги» мавзусида бўлиб ўтган семинарда раислик қилган Республика Маҳаллалар кенгаши бошқаруви раиси Шавкат Жавлонов ҳам ажримлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтди:

— Ажримлар сони жорий йилнинг 9

ойида 23 948тани ташкил этиб, 2018 йил (23853) шу даврига нисбатан 95тага ошган, жумладан, Тошкент шаҳрида 537тага, Бухорода 39тага, Жиззахда 32тага, Наманганда 30тага ошган.

Чирчиқ шаҳар ҳоқими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Зухра Мирғозиева: "Оиладаги ажримлар камайиши учун йигитларни ҳам мустақил ҳаётга тайёрлаш зарур", деб ҳисоблайди.

Сайёр қабул ва учрашувларнинг жойларда мунтазам ташкил этиб борилаётгани халқ билан мулоқот қилиш, аҳолининг сўров ва таклифларини амалга ошириш, ижтимоий ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Одамлар билан гаплашиб, турмуш тарзини ўрганиб, шуни яхши ҳис қиламизки, аҳоли орасида ажримлар муаммоси ҳали ҳамон энг огрикли дард бўлиб келаёттир, — дейди З. Мирғозиева.

— Бундай муаммоларни камайтаётганига сабаб, турмуш қийинчиликлари эмас, акинча, бир-бирини тушунмас-

лик, ўзаро ҳурматсизлик каби инсон психологияси билан боғлиқ ҳолатлар бўлмоқда.

Агар фарзандлар тарбиясида оқсоқлик сезилаётган бўлса, айб кимда? Балки боласининг бағоят ёшида назоратни қўлдан чиқараётган оталардир...

Балки фарзанд тарбиясидаги масъулиятни мактабдаги устозига юклаб қўйиш билан чекланаётган оналардир...

Мана шу жиҳатларни оқсоқоллар, кайвони нурунийлар билан биргаликда таҳлил қилиб, оилавий можароларнинг сабабчиси йигитларнинг мустақил ҳаётга тайёр эмаслигида, деган хулосага келинди.

Албатта, қиз томонда ҳам айб бўлади, лекин мустақил ҳаётга тайёр эр йигит ҳар қандай вазиятни ўз назоратида ушлаб, оила муаммоларини бартараф этишга қодир бўлади, дейди кексалар. Демак, ўғил фарзандларимизга ҳам мустақил ҳаётга тарбияни мактабдан, оиладан бошлашимиз керак.

ОИЛА СИРИ ҲЕЧ КИМГА /АЙТИЛМАЙДИ

Одина ОТАЖОНОВА, психология фанлари номзоди, доцент.

— Бугунги ажримларнинг кўпроқ сабабчиси қиз ўстираётган оналардир, деб биламан. Оналар қизларини уйда қандай эркаликларига чидаган бўлса, тушган хонадонда ҳам шундай яшаши, керак деган хулосага келишяпти. Қизининг яхши ҳаётини таъминлаши учун кўвнин назоратла олиш кераклигини ўргатишяпти. Эркакка фақат аёлнинг талабларини бажарадиган шахс деб қарашга ўргатишяпти. Ёш оиланинг ҳаётига суқилиб кириб, баъзида тушуниб, баъзида тушунишмай пароканда қилиб қўйишяпти. Шу боис қизларимизда оғзини фидойилик етишмаяпти. Сабр-қаноат, эртанги кунга ишонч туйғуси йўқ улларда. Ахир оилани бежиз кичик бир ватанга қиёспашмайди. Ватандаги камчиликлар бировларга айтилмайди, дастурхон қилинмайди, сир ўтилади. Илгари бизга, тушган хонадонингда сув келса симириб, тош келса кемириб яшагин, деб ўргатишган. Минг яхши бўлсанг ҳам кўкрагингга мушглаб, ўзингга сабр тилаб тургин, болам деб ўргатарди аям бизга. Тўғри, оналар қизларининг тақдирига бефарқ, лоқайд бўлсин, демоқчи эмасман. Фақат эркатой қизи ношуқрлик қилганида унинг кўкрагидан итариб, қайнонасининг арачасига ташлаб қўйса, эртага ўша қайнона ҳам шундай сабри келинини бағрига босади. Керак бўлса ўғилдан ҳам ҳимоя қилади. Ҳар қандай қайнона келган келинин ўзининг қозонида қовуриб олади. Шу қозонда пишгани пишадиган, пишмагани хомлигича қолиб кетади. Қайноналар ҳам келинини келган кунидан бошлаб ўз боласидек бор камчиликлари билан қабул қилса, хатаридан фожеа ясамай, кўз юмиб кечирса ва тўғри йўлга бошласа ана бундай оилада чинакам меҳр-муҳаббат шаклланади.

ХУЛОСА

Оилавий ажримлар ёқасида турган ота-оналарнинг фарзандлари тақдирини уларнинг бир оғиз гапларига, ҳа ёки йўқ деган жумлаларига боғлиқ. Шу сўзларни айтишдан олдин бироз тўхтаб, ўйланг, фикр юритинг, мулоҳаза қилинг. Зеро, бугунги оила аталмиқ синовнинг тўсиқларини энгиб ўтган инсон кексаликда гўзал ҳаёт эгасига айланиши, шубҳасиз.

Нигора РАҲМОНОВА тайёрлади.



TARIX QAHRAMONLARDAN IBORAT EMAS...

Жозеф Фуше камқон, касалманд бўлиб туғилади ва табиятан индамас, ўта босиқ, итоаткор бўлиб улғаяди. Ўша даврда бундай кишиларнинг жойи, албатта, ибодатхона бўлган. У ўттиз ёшигача ибодатхонада тинч-осойишта ҳаёт кечириб, юқори диний мансабларни эгаллайди. Шу билан бирга, черковнинг зах ва зимистон ҳужралари унинг қалби туб-тубида беркиниб ётган тубанликларнинг иллат боғлашига ҳам шариот яратиш берди...

Жозеф Фуше аввалга черковни ҳукуматга қарши қайраб юради. Кейинчалик эса ўзи руҳонийларни ҳукуматга солиб, ҳукуматнинг ишончли хуфяларидан бирига айланади. У ҳукуматга аввалга хуфя тарзда, кейинчалик очикдан-очик хизмат қилиб, секинлик билан у ерда ҳам ўзига нисбатан ишонч ва мансабини ошира боради... Бу вақтда Наполеон Бонапарт Парижга интилаётган эди. Наполеоннинг тез орада тахтга чиқишини олдиндан кўра билган индамас Фуше, энди Наполеон билан яширинча учрашиб, у билан тил бириктиради...

Наполеон тахтга ўтиргач, Фушеннинг бу борадаги хизматларига кўз юммайди, албатта. У табиятдан қизиққон, қахрамонликларга ўч бўлиб, Жозеф Фуше каби писмиқ одамлардан жирканса-да, ҳарқалай Фушега мансаб ва унвон бериб уни ёнида сақлаб қолади.

Шундай қилиб: Жозеф Фуше – Наполеоннинг монархга ғояларни улғайдиган нутқларга муаллифлик қилади...

Жозеф Фуше – Наполеонни гиж-гизлаб, унинг кўплаб қиргинларида асосий рол ўйнайди...

Fransiya tarixida Jozef Fushe degan nom yashab qolgan...



Жозеф Фуше – асталлик билан, Наполеонни Франция парламентига қарши қўяди...

Аммо тақдир тақозоси билан, Бонапарт парламентдан энгилади. Парламент ундан йўл қўйган хатоси учун узр сўраб, хат ёзиб беришларини илтимос қилиб ўз етакчиларини жўнатади. Ўша етакчиларни бошлаб келган шахс эса, яқиндан бери парламент томонидан янги мансаб билан тақдирланган – герцог Отранский эди!

Ҳамиша жанговар кайфиятда турадиган, шунчаки учрашувларда ҳам ўзини жанг майдонидаги кўмондондек тутишга одатланган довурак Наполеоннинг парламент аъзолари билан кўришганда оёқ-қўли қалтирайди, ранги ўчади, довдираб, ўз сўзини йўқотади.

– Нимадан безовтасиз?! – дея сўрайди парламент етакчилари ундан. – Ҳа, безовтаман! Мен ҳайратдаман ва жудаям, жудаям безовтаман! – деб жавоб беради ниҳоятда асабийлашган Наполеон.

– Нега?!
– Негаки, бугун сиз билан бирга дунё яратган энг катта сотқин мендан садоқат талаб қилаётми!

Парламент етакчилари бу гапни алжираш деб ўйлаб, ажабланишади.

Герцог Отранский, яъни – Наполеонни сотқинлик йўли билан тахтга чиқариб, яна шу йўл билан ўзи тахтдан ағдарган, айна пайтда парламентнинг энг ишончли одамларидан бирига айланиб олган хонин Жозеф Фуше эса кўзларини ердан олмасдан аста кулиб қўяди.

ДАРХОН МОМОНИНГ НАСИҲАТИ

Тарихшунос олим Бўрибой Аҳмедовнинг "Сохибқирон ўғитлари" китобидан Амир Темур номидан шундай ҳикоят келтирилади:

«Қарши қалъасин забт этолмай, дилга қадар тугиб қайтмоқда эдим. Қизилдарёдан кечиб, бир қишлоққа кўндик. Мен бир кулбани ихтиёр этдим. Унда ушоққина кампир яшар, тирикчилиги ёлғиз эчкидан эркан. Момодан бирор овқат қилиб бермоқни ўттиндим. Кўп ўтмай оғоч товоққа сузилган атала дастурхонда пайдо бўлди. Оч эрдим. Оғоч қошиқни товоқдаги аталага мўлдириб, ютоқиб еган эдим, оғзи-тилим куйгандан-қуйди. Шунда момо деди:

– Сен-да Амир Темурга ўхшаш шошқалоқлардан эксан.

– Темурбекнинг шошқалоқлигини қайдин билдингиз, момо, – сўрадим.

– Эшитишимча, Амир Темур Қарши

қалъасига тик туриб, уни ололмабди. Магарки, аввал қалъа атрофидаги кичик-кичик қишлоқ ва маҳалларни эгаллаб, куч тўплаб, сўнг қалъага ҳужум қилмоқ лозим эди. У эса бир йўла бекликни олмақчи бўлди-ю, шашти синди... Шунга ўхшаш сен ҳам шошдинг ва оғзингни куйдирдинг. Аталани аввал товоқнинг гирдидан олиб, секин-секин ялаб кўради, совуганини билгач, сўнгра ариққични тўлдириб ейди-да...

Шунда хатоимни англагандай бўлдим. Ва дедим:

– Дархон момо, ўшал шошғич Амир Темур мендирман. Танбеҳингизни бош устига олдим. Тиланг тилагингизни...

Дархон момо одамлар учун ариқ қазиб, сув чиқариб беришни сўради. Орадан кўп ўтмай Танқос дарёсидан ариқ қазиб, сув чиқариб бердим...»

ДОНИШМАНДНИНГ ИҚРОИ

Ўз даврида Юнонистонда "гетералар" деб аталувчи аёллар яшаган. Улар мусиқа, рақс тушиш, ҳайкалтарошлик каби бир мунча нафис санъат турларидан хабардор бўлишларига қарамай, турмуш қурмасдан эркин яшаш тарафдори бўлгани учун халқда энгил табиятлик рамзи ҳисобланган. Кўнлардан бир куни Александр Македонский ана ўшандай аёллардан бири – гетара Фалледага элакишиб қолади. Файласуф Аристотель Александрни минг уриниб бу йўлдан қайтара олмагач, ноил шоғирдини тинч қўйишини сўраб Фалледанинг ёнига боради.

– Майли, шоғирдингни тинч қўяман, – дейди кулиб туриб париваш, – фақат ягона шартим бор. Мени эшакдек елканга миндириб, сайр қилдирасан.

– Шартингни бажарсан, сўзингда туришга худолар номи билан қасам ича оласанми?! – сўрайди Аристотель.

– Қасам ичман!
Гетаранинг худолар ғазабидан кўрқишига умид қилган донишманд тўрт оёқлаб уни миндириб турса, бу воқеанинг устига шоғирди Александр Македонский келиб қолади.

– Кўрдингни ўғлим, – дебди шунда уятдан қип-қизариб кетган Аристотель. – Аёл устозингни не қўйга соляпти! Илтимос, бу сенга бир умр сабоқ бўлсин!

Манбалар асосида Б. Қўлдошев тайёрлади.

НАМКОРЛИГИМИЗ САМАРАСИ YUTUQLARIMIZDA



Тошкент вилояти Зангиота тумани халқ таълими бўлимига қарашли 44-умумий ўрта таълим мактабида 2019 йил якуни бўйича ўқитувчи ва ўқувчиларнинг эриш-

ган ютуқлари, камчиликлари юзасидан тадбир бўлиб ўтди. Унда туман халқ таълими мутасадди ходимлари, мактаб ўқитувчилари иштирок этишди.

– Мактабимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббуси асосида ишлар олиб борилмоқда.

Ўқувчиларнинг жорий йилда эришган ютуқлари хусусида тўхталадиган бўлсам, 11-синф ўқувчилари Далер Хаитқулов, Мафтуна Солмаҳаматова, 9-синф ўқувчиси Шаҳзода Акбаровалар Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган "Северная Венеция" фестивалида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди. 11-синф ўқувчиси Ойбек Тоштемиров Хитойда бўлиб ўтган Халқаро бокс турнирида қатнашиб, биринчи ўрин билан тақдирланди. Шунингдек, мактабимиз ўқувчилари вилоят, республика бўйича фан олимпиадаларида ҳам фахрли ўринларни эгаллашмоқда.

Олий ўқув юртларига кириш бора-бора ҳам 2018-2019 ўқув йилида яхши натижаларга эришдик. Бундан

ташқари, 9-синф ўқувчиси Нафиса Хушмўминова она тили фанидан "Конституция – бахтимиз пойдевори" мавзусида иншолар кўрик-танловда туманда биринчи ўринни эгаллади. 10-синф ўқувчиси Севара Исмаева "Конституция – бахтимиз пойдевори" расмлар кўрик-танловда совриндорлар қаторидан жой олди. Умуман олганда, ўқувчиларимизнинг эришган ютуқлари йилдан-йилга юқорилаб, яхши натижаларни кўрсатмоқда. Бу, албатта, педагогик жамоа ва ота-оналарнинг ҳамкорлиги самарасидир. Йиғилишда 2020-2021 йилларда бундан ҳам юқори натижаларга эришиш, ҳамкорлиқни янада кенгроқ йўлга қўйишга келишиб олинди.

Тадбир сўнггида фаол ўқувчилар ва ота-оналарга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Маҳмуба МҲМИНОВА,
Зангиота туманидаги
44-мактаб директори.

SEDANA KO'Z TEGISHIDAN ASRAYDIMI?



беталофат ўтиб кетибди. Шериги бунинг сабабини сўраганда, ачишиб кетган кўзларини панжаси билан беркитиб олган ўткир назарли киши: "Аттанг, болакай седананинг уругидан тумор таққан эканда, кўзимдан ажралишимга сал қолди", — деган экан.

бутун дунёда, асосан Осиё, Африка ва Яқин шарқ давлатларида анча йиллардан бери минглаб касалликларга шифо бўлувчи табиий доривор сифатида қўлланилиб келиниши сир эмас. Бу ноёб ўсимлик ёғи жуда кўплаб хасталиклар, жумладан, ошқозон, юрак, кўз касалликлари, астма, бронхит каби нафас йўли касалликларида, жигар ва бўйрак фаолиятининг бузилиши, бош ва тиш оғриқлари, шамоллаш, кўнгил айнаши, қусиш каби касалликларга қарши самарали даво воситасидир. Қолаверса, қора седананинг ёғи иммун тизими пасайган инсонларда иммунитетни тиклаб, касалликдан чарчаган организмга қучқуват йиғиб бериш хусусиятига эга.

Пайгамбаримиз с.а.в айтдилар: "Седана саамдан бошқа ҳамма дардга даво келтиради". "Саам нимадир?" — сўради саҳобалар. Расулиллоҳ: "Саам — ўлим, бевақт етган ажалдир", — дедилар. (Ҳадиси шарифдан).

Бийронгина бўлганимданми ёки мактаб ёшига етмасимдан тўйларда шеър ўқиб ҳаммани ўзимга қаратганимданми, билмайман, момом раҳматли менга назар — кўз тегишидан жуда чўчирди. Онам иккаловимиз етаклашиб бирор ерга отланиб қолсак: "Ўғлингнинг киссасига уч-тўртта седана уругидан солдингми?" — сўрадилар ҳамиша. Онам бир гал у кишидан нега доим бундай қилишни буюришларини сўради. Шунда момом ушбу ҳикоятни айтиб берганларини эслайман:

Қадим замонда нигоҳларидаги ботиний кучи шу даражада ўткир бир одам бор экан-ки, суқ билан термулса норгул чавандозни оти билан қўшиб ағдараркан. Бир куни у ҳамроҳи ила кўчада кетаётганида олтидан бойнинг ўғилчаси бесалом ўта бошлабди. Боланинг қилигидан оғринган ҳалиги одам ҳамроҳига дебди: "Қара, ҳозир бола етти қадам босмай ерга йиқилади!". Таассуфки, аммо бола улар олтидан



Халқ тилидаги бу содда ҳикоятнинг қанчалар ҳақиқатга яқин эканлиги каминана қоронғу, албатта. Аммо бугун сизларни ушбу доривор гиёҳнинг табобатда қўлланилиб ўз исботини топган айрим хусусиятлари билан таништиришга қарор қилдим.

Седана ўсимлиги икки турга ажратилиб, улар оқ ва қора седанадир. Халқ табobati, қолаверса, замонавий тиббиётнинг далолат беришича, улардан қора седана, айниқса, фойдалиси ҳисобланади. Қора седана деярли

Эҳтимол седана ҳақида келтираётган маълумотларимизни ўқиб, Абдулла Акбаровнинг бодиринг соғ одамага ҳам, касалга ҳам даво бўлиши тўғрисидаги латифасини эсга олгандирсиз? Йўқ, асло ундай ҳаёлга борманг! Менинг гапим ҳазилдан ҳоли, шунингдек, мақолани ёзиш жараёнида малакали шифокорлар билан маслаҳатлашиб, машҳур табибларнинг саломатликка доир китобларини обдон varaқлашимга тўғри келди. Аксинча, ушбу хосиятли гиёҳ даво бўладиган касалликларни са-

ТАБИБЛАР НАСИҲАТИДАН:

Седанани доимий чайнаб истеъмол қилиб юрган одамнинг тиши соғлом бўлади, ҳар-хил асаб касалликларида сақланиб, бош оғриғи нималигини билмайди. Уни эрталаб оч қоринга бир чой қошиқ миқдорда оғизга солиб яхшилаб чайнаб ейиш, ичкадаги айрим гижжаларни туширибгина қолмасдан, инсонни кун давомида турли вирусли юқувчан касалликлардан сақлаши мумкин.

Седана ёғи эрталабки ва кечки таомдан олдин ярим чой қошиқ миқдорда истеъмол қилинса, у ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди. Организмдаги гормонал ўзгаришларни меъёрлаштириб, юздаги доғ ва ҳуснубузардан холос қилади. Шунингдек, сочларнинг тўкилишини тўхтатади, ҳамда уларга соғлом жило бахш этади.

Уйку камлигидан азият чекилганда бир чой қошиқдаги асални шунча миқдордаги седананинг уруги билан аралаштириб, ётишдан олдин истеъмол қилинса, уйку вақтини бир соатдан бир ярим соатгача оширишга эришиш мумкин.

Седананинг ёғи жинсий қувватни оширади. Танадаги бирор аъзо яхлаши қузатилганда уни суртиб обдон уқаланса, аъзони қиздиради. Бу муолажа доимий қўлланилса, бора-бора аъзо ортиқ яхлашдан холос бўлиши мумкин.

найвериб сизни зериктириб қўймаслик учун, седана ҳақида билганларимни андак ихчамлаштирдим, десам, бу айни ҳақиқат бўлур эди.

Маълумотларни тўплашда Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" ва табиб Менг-назар Ҳожининг "Дард борки, дармон бор..." китобларидан фойдаландим.

Байрам АЛИ

BOLAM, SENI KIM O'QITGAN?

Биз ўқитувчилар доимо ўқувчиларимизнинг аъло баҳоларга ўқишини жуда хоҳлаймиз. Сабаби, кун келиб кимдир ўқувчиларимизга: "Ҳой, болам, ким сенга билим берган эди? Ҳеч нарса ни ўқитмаган экан-ку. Эҳх, 11 йил умрингни бекорга сарфлабсан", — деса, бу гап биз ўқитувчиларга наштардек оғир ботади.

Биласизми? Ўқитувчи учун энг катта бахт нима? Қачонки, биз ўқитган ўқувчимизнинг ортиндан раҳмат эшитсак, бу бизнинг ҳаётимиздаги энг катта ва қувонарли бахтдир. Биз ўз ўқувчиларимизни фарзандимиздек кўрмоғимиз ва чин дилдан таълим бермоғимиз керакдир. Кун келиб жажжигина қўлларини ушлаб ҳарф ўраган ўқувчиларимиз, буюк бобомиз Навоийдек шоир, Камолитдин




Бехоздек бетакорр расом, Ибн Синодек табобат илмининг етук мутахассиси бўлиб етишишига ишонамиз ва доимо кўмаклашишга тайёрмиз.

Ўқувчиларни фанларга қизиқтириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида мактабларда турли хил фан ойликлари ўтказилади. Шу

жумладан, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани 227-мактабида ҳам фан ойликлари старт берилган. Биз орзиқиб кутган декабрь ойида "Бошланғич таълим" фан ойлиги ўтказилмоқда. Куни кеча 4-синфлар ўртасида "Ёш китобхон", математика фанидан "Ўйлаб, ўйнаб ўрганамиз", деб номланган танловлар ўтказилди ва ушбу тадбирларда мактабимизнинг бошланғич синф ўқувчилари жуда фаол иштирок этишди. Албатта, фаол қатнашган ўқувчилар фахрий ёрлиқлар ва қизиқарли китоблар билан тақдирланишди. Тадбирлар давом этмоқда. Албатта, бу фан ойлигида фаол қатнашишга барчамиз бирдек ҳаракатдамыз. Азиз устозлар, унутманг! Биз ватанимиз келажакларининг тарбиячисимиз. Ўз касбимиз олдидаги бурчимизни оқлаб, ҳалол нон ейишга интилайлик! Доимо ўз касбимиздан фахрланиб яшайлик!

Гулнора АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани 227-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси

Кўплаб танишларим тўғри овқатланиш борасида гап кетганида мароқ билан сўзлайдилар. Парҳезларнинг янги ва янги турлари ҳақида баҳсга киришиб кетган чоғларида нафақат кийинининг, балки овқатланишнинг ўзига хос усуллари ҳам урфга кира бошлабди-да, деб ўйлаб қоламан. Ана шундай суҳбатлар чоғида менда бир савол пайдо бўлди: Маълум бир парҳез қанчалик фойдали бўлмасин у барча инсонга бирдек яхши таъсир кўрсатадими? Г. Чубалова, ўқитувчи.



гўшт, балиқ, ёғсиз творог, ёнғоқлар ва зайтун ёғини кўпроқ тановул қилганлари яхши натижаларни беради.


Истеъмол қилишингиз тақиқланган маҳсулотлар ва таомлар: хамиртурушли пишириқлар, олий ва биринчи навли ундан тайёрланган пишириқлар, ёрмалар, ёғлиги 10 фоиздан ошиқ бўлган сут ва сут маҳсулотлари, ловияли, макаронли озуқалар, колбасалар, ёғли гўштлар, гўшт ва сабзавотли қайнатмалар, хурмо, банан, соуслар, маринадлар, кондитер маҳсулотлари, шоколад, қуюқ қаҳва, асал, кисел.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ТАВСИЯ:

Қандли диабетда овқатланиш тартибига қатъий риоя қилган ҳолда ҳар уч соатда оз-оз тамадди қилишингиз мақсадга мувофиқдир. Углеводлар, оқсил, туз ва шакардан ўзингизни узоқроқ тутинг.

Истеъмол қилишингиз тақиқланган маҳсулотлар ва таомлар: хамирли таомлар, ёғли қайнатмалар, гуруч, манний ёр-

BILIB-BILMAY PARHEZ QILMANG!



Муҳлисларнинг саволларига диетолог Анна Попова қуйидагича жавоб беради.

ШИФОКОР КЎРИГИГА БОРИШДАН ЭРИНМАНГ!

Вақт ўтгани сайин замондошларимизнинг тўғри овқатланишга бўлган қизиқиш ва эътибори ошиб бормоқда. Давраларда ҳам голливудча, японча, қатикли, карамли, бўтқали ёки шарбатли парҳезлар ҳақида қизгин суҳбатлар кўпаймоқда. Албатта, бу қувонарли ҳолат. Бироқ аксарият одамлар кимдандир бирон парҳез турини эшитиб, ўша захотийёк шифокор маслаҳатисиз организмдаги талабларни чеклаб боришга ҳаракат қилади. Шунга таъкидлаб ўтмоқчиманки, шифокор диетолог кўригига боришдан асло эринманг! Шифокор организмнингиздаги сизни қийнай бошлаган оғирлик қайси маҳсулотлар истеъмоли эвазига пайдо бўлаётганини аниқлаганидан сўнг парҳез турини танласангиз, ўзингиз истаган натижага кўпроқ эришасиз. Меъёрлаштирилган парҳез турида таркибида сизнинг организмнингизга зарур бўлган моддалар мавжуд маҳсулотлар кўпроқ ўрин эгаллайди. Шу боис ушбу парҳез туфайли модда алмашинуви яхшиланади. Ва ўз-ўзиндан танангиз энгиллашиб, кайфиятингиз кўтарилиб бораверади. Аини дамда мен сизга меъёрлаштирилган парҳезларнинг 12 турини тавсия қиламан.

БИРИНЧИ ТАВСИЯ:

Агар сизни ошқозон яраси ва ўн икки бармоқли ичак яллиғланиши безовта қилса, шўрвалар, бўтқалар, қайнатилган ва димланган таомларни истеъмол қилинг. Оқ нон есангиз ҳам бўлаверади, фақат у янги ёпилган эмас, кечаги нон бўлсин. Сут ва сутли

маҳсулотлардан иборат бўлган парҳез ҳам сиз учун жуда фойдали.

Истеъмол қилишингиз тақиқланган маҳсулотлар ва таомлар: қизил ва оқ карам, пиёз, саримсоқ пиёз, шолғом, редиска, исмалоқ, отқулоқ, қўзиқорин, хом тухум, гўштли, қўзиқоринли ва балиқли қайнатмалар, қора нон, ловия, нўхат, тарик.

ИККИНЧИ ТАВСИЯ:

Агар гастрит ва колит билан оғирган бўлсангиз, сизга ранг-баранг овқатлар тавсия қилинади. Бироқ бу таомлар ҳарорати 15 даражадан 60 даражагача бўлгани маъқул.

Истеъмол қилишингиз тақиқланган маҳсулотлар ва таомлар: ёғли балиқлар, музқаймоқ, қайноқ ичимликлар, хамирли овқатлар, шоколад, кремли пишириқлар, анжир, хурмо, ловия, редиска, турп, булғор қалампир, қўзиқоринлар, қалин этли зирavorлар, пиёз, саримсоқ пиёз, узум шарбати, турли тузламалар, консервалар, дудланган гўштлар.

УЧИНЧИ ТАВСИЯ:

Ич қотиши ва сурункали ичак яллиғланишида эса кўпроқ сабзавот ва мевалар, қатик, ўрик, компотлар ва қотган нон ейишингиз мақсадга мувофиқдир.

Истеъмол қилишингиз тақиқланган маҳсулотлар ва таомлар: янги ёпилган нон, турли пишириқлар, ўрдак ва фоз гўштли, дудланган гўштлар, консервалар, тузланган ва дудланган балиқ, вермишель, гуручли ёрмалар, саримсоқ пиёз, пиёз, редиска, турп, қўзиқоринлар, шоколад, конфетлар, киселлар, беҳи, смородина, қуюқ чой ва қаҳва.

ТЎРТИНЧИ ТАВСИЯ:

Ич кетиши билан кечадиган ичак касалликларида шўрвалар, гуручли

ва гречкали бўтқалар, ёғсиз гўшт, қайнатилган ва димланган таомлар тановул қилинг.

Истеъмол қилишингиз тақиқланган маҳсулотлар ва таомлар: нон, ширин кулчалар, турли газаклар, ёғли шўрвалар, ёғли гўшт ва балиқ, дудланган озуқалар, консервалар, сутли маҳсулотлар, арпа ёрмаси, буғдой, ловиялар, хом резавор ҳамда мевалар, турли ширинликлар, какао ва қаҳва.

БЕШИНЧИ ТАВСИЯ:

Ўт йўллари ва жигар касалликларида совуқ овқатларни ейиш мумкин эмас. Жавдар ва келакли ундан тайёрланган нонлар, қуритилган буғдой нони ҳамда қайнатилган ва қовурилган таомлар тановул қилишингиз мақсадга мувофиқдир.

Истеъмол қилишингиз тақиқланган маҳсулотлар ва таомлар: ёғли овқатлар, тил ва буйрак гўшти, тузли, дудланган ва маринадланган гўштлар, консервалар, қора қаҳва, какао, шоколад.

ОЛТИНЧИ ТАВСИЯ:

Урологик касалликлар ва подаграда пуринлар ва оксалат кислотаси юқори бўлган овқатлардан сақланганингиз маъқул. Тузни иложи борича кам истеъмол қилинг. Гўштли ва балиқли шўрвани ҳафтада 2-3 марта ичишингиз мумкин. Таомлар ҳарорати 15 даражадан юқори, 60 даражадан паст бўлсин.



Истеъмол қилишингиз тақиқланган маҳсулотлар ва таомлар: балиқли, гўштли, товқули зирavorлар, ёғли балиқ ва гўшт, турли дудламалар, тузли балиқ, консервалар, мол ёғи, исмалоқ ва отқулоқ, ловиялар, малина, гул карам, анжир, какао, шоколад, қуюқ қаҳва ва чой.

ЕТТИНЧИ ТАВСИЯ:

Сурункали ва ўткир нефрит ва буйрак етишмовчилигида тузсиз димлама ва қайнатмалар ичганингиз жуда фойдалидир.

Истеъмол қилишингиз тақиқланган маҳсулотлар ва таомлар: қўзиқоринлар, турли ёғлар, маринадлар ва тузламалар, дудламалар, шўрвалар, консервалар, пишириқлар, қаҳва ва қуюқ чой, какао, шоколад.

САККИЗИНЧИ ТАВСИЯ:

Семизлик касалига учраганлар туз ва калорияли озуқаларни қатъий чеклаши зарур. Сабзавотлар, мевалар,

маси, макарон, ёғли гўшт ва балиқ, ўрдак ва фоз гўшти, консервалар, дудламалар, тузли балиқ, икра, узум, банан, анжир, хурмо, ўта ширин шарбатлар, конфетлар.

ЎНИНЧИ ТАВСИЯ:

Юрак-қон томир касалликларида кўпроқ вегетариан шўрвалар, картошка, сабзавотлар, лавлаги, сутли ва мевали бўтқалар, ёғсиз гўшт ва балиқ, янги мева ва резаворлар тановул қилинг. Пишлоқ ва қаймоқни меъёридан ортиқ еб қўйманг.

Истеъмол қилишингиз тақиқланган маҳсулотлар ва таомлар: ёғли гўшт ва балиқ, ўрдак, фоз, дудламалар, колбаса, икра, консервалар, исмалоқ, отқулоқ, қўзиқоринлар, пиёз, саримсоқ пиёз, янги нон, блинчик, қаҳва, шоколад.

ЎН БИРИНЧИ ТАВСИЯ:

Асаб касалликларида асосан фосфор тузлари билан бойитилган маҳсулотлар билан кўпроқ овқатланиш зарур. Сутли таомлар, жигар ва ловия микдорини ҳам ошириб боринг. Ёғсиз гўшт ва балиқ, сабзавотлар, мевалар ва резаворлар, суви қочган нон, қуруқ мевалар, асал, қиёмлар, зефир, шоколад қўшилмаган конфетларни ҳам меъёридан оширмай ейишингиз мумкин.



Истеъмол қилишингиз тақиқланган маҳсулотлар ва таомлар: ёғли гўшт, балиқ ва шўрвалар, зирavorлар, какао ва шоколад, қуюқ чой ва қаҳва.

ЎН ИККИНЧИ ТАВСИЯ:

Буйрак касалликларида таомларни жуда иссиқ ва совуқ ҳолида ейиш мумкин эмас. Ошқозондаги кислотали муҳитни мустаҳкамлайдиган маҳсулотлар: гўшт, балиқ, нон, ёрмалар ва макаронли таомларни кўпроқ тановул қилиш фойдадан холи эмас.

Истеъмол қилишингиз тақиқланган маҳсулотлар ва таомлар: дудламалар, консервалар, сут ва сут маҳсулотлари, сабзавотлар, тузламалар, пишириқлар ва шарбатлар.

АИФ дан Зухра МЕЛИБОЕВА таржимаси.



Qishda gul o'stira olasizmi?

Барқ уриб очилиб турган гулни кўрган ҳар қандай инсоннинг кайфияти кўтарилиб, баҳри-дили яйрайди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, аксарият уй бекалари хонаки гуллар парвариш қилишни ўзларига сеvimли машғулот деб билишади. Ким ҳам истамайди дейсиз, уйда турфа хил гуллар буй таратиб, яшнаб туришини. Дарҳақиқат, Аллоҳ берган ҳар бир неъматнинг ўз вазифаси бўлганидек, хонаки гулларнинг ҳам инсон учун фойдаси сероб. Бироқ қиш фаслида гул ўстиришнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Бу ҳақда батафсил билиш учун гул дўконларига бордик.

Ўзгаришлардан шикоят қилиб маслаҳат сўраб келувчилар ҳам кўп. Баъзи одамлар бор, гулга фақатгина сув қўйса бўлди, у яшайверади дея ҳисоблашади, аммо бу нотўғи. Гулларга, биринчи ўринда, эътибор ва меҳр керак. Меҳрсиз одам гул ўстира олмайдди. Ҳақиқий гулни севувчилар, бир қарашда унинг касалини аниқлай олишади. Барги сарғайптими, демак, суви кўп куйиб юборяпсиз, ўсмай қоляптими, демак, унга минерал ўғитлар етишмаяпти. Қолаверса, аксарият гуллар кўш нуруни ёқтиради. Хонадонингиздаги тилсиз суҳбатдош ҳамиша сизга кулиб қарашини, яшнаб туришини истасангиз, уларга сиз ҳам ўз вақтида эътибор қаратинг.

лар инсонлар кайфиятини кўтаради, эзгу ва гўзал ҳис-туйғуларга ошно этади-да. Шундай гуллар борки, муноси ҳамшира мисол дардимизга шифо бўлади. Шундай гуллар борки, хонадонимизга, руҳимизга тоза ҳаво бағишлайди. Яна шундай гуллар борки, нафақат яхши кайфият, балки сизга бахтлилик туйғусини ҳам бахш этади. Эсимни танибманки, гулларга меҳрим баянд. Гуллар парваришлай бошлаганимда икки донагина гулим бор эди, ҳозирда уларнинг сони 70 дан ошган. Гулларни ўз фарзандимдек меҳр билан парваришлайман. Баҳор келиб, ҳаво исғич, уларни ҳовлига олиб чиқаман, қиш фаслида эса уйга олиб

2 – Дўстимга совға қилиш учун халқ орасида “Қора шаҳзода” деб ата-лувчи гулни харид қилдим. Сотувчининг айтишига қараганда, ҳозир “Фигус” гулини совға учун харид қилувчилар кўп экан. Бу гул дунёда кислород чиқариш бўйича иккинчи ўринда туриши билан диққатимни тортди. Сотувчи гулни кўлимга тутқазар экан, уни қандай парвариш кераклигини ҳам алоҳида айтиб ўтди. Агар унга етарлича гамхўрлик қилинмаса, албатта, у ўз вазифасини адо эта олмайдди. Шунинг учун ҳам сотувчининг гапларини жон қулогим билан эшитдим: Фигус гули +5 даражадан +13 даражагача бўлган ҳароратда сақланиши, ёз фаслида ҳафтада 1-2 марта, қишда эса ҳафтага бир марта суғорилиши керак. Унинг барглари ҳамиша тоза туриши мақсадга мувофиқ бўлади. Дўстимга бу ҳақда берганимда, албатта, уни қандай парвариш кераклигини ҳам айтиб ўтаман.



кираман. Гулларни доимо битта жойга қўйишга одатланганман, акс ҳолда уларнинг кўриниши ўзгариб касалланиши мумкин. Шунинг учун мангунинг муқим бир жойида тургани мақсадга мувофиқдир. Уларга кўш нуруни ёқтириш ёки ёқтирмаслигини ҳисобга олган ҳолда, доимий жи ҳозирланг.

“ТАЖРИБАМ ОШИБ БОРМОҚДА”

Дилбар Мирзаева, кутубхоначи:

1 – Тўғриси айтсам, бу ерга энг ёқтирган гулим – Гераннинг барглари сарғайишига чора излаб келдим. Гул сотувчилардан фақатгина гул ёки ўғитлар эмас, маслаҳат ҳам олиш мумкинлиги биз учун айни мўддао. Шунинг учун кўпинча маслаҳат олгани келаман. Гулларимга меҳрим баландлиги уларни тўғри парваришлагга ундайди. Бу борадаги тажрибам ортса ортиб бора-япти, камайган эмас. Масалан, барги қалин гулларга кам сув қўяман, чунки улар баргидаги сув ҳисобига деярли чанқашмайди, барги юқа гулларга эса тўғри қуриши билан сув куйиб тураман. Гулларнинг тўғроғини ҳам назорат қилиб туриш керак. Кичикроқ гулларни 1-2 йилда, катта гулларнинг тўғроғини 3-4 йилда бир марта алмаштириб туриш керак.

СОҒЛИК УЧУН ФОЙДАЛИ ҲАДЯ

Ўзини Тўғроб ака дея таниш-тирган одамнинг айтишича, у гул дўконига совға олиш мақсадида келибди:

“БОЙИШ УЧУН СОТИБ ОЛМОҚЧИМАН”

Харидорлар орасида 70 минг сўмга гул сотиб олаётган киши бизнинг эътиборимизни тортди. Гулни нима мақсадда сотиб олаётганини сўраганимизда унинг жавоби ҳайратимизни оширди:

– Тарихда хитойликларнинг бойликни сафарбар қилиш таълимоти бўлиб, унда ўсимликни қаерда ва қандай парвариш қилиш сирини алоҳида эътибор берилган, – дейди Сафар Усмонов. 3 – “Crassula” дарахтини тангага ўхшаш барглари тўғри пул дарахти дея аташган экан. Ушбу дарахтни ўстира бошлаган одам ўзидан ўзгача шижоат ва куч-қувватни ҳис қилади. Натижада бойлиги ҳам ортиб боради. Маълумотларга кўра, “Crassula” – ғайритабиий ўсимлик бўлиб, намлик ва кўш нурига чидамли ҳисобланади. Ҳамма гап уни тўғри парвариш қилишда, агар унга гамхўрлик кўрсатиш эзотерик жиҳатдан тўғри бўлса, у ҳам ўз вазифасини астойдил бажаради. Хуллас, бир дўстимнинг маслаҳати билан яхши ниятда мана шу “Пул дарахтини” сотиб олдим.

Суҳбатларимиз давомида гул харид қилишга шайланган инсонларнинг яхши ниятлари ва тажрибаларидан бохабар бўлдик. Қаҳратон қишда хонадонимизда мўъжазгина гулзоримиз бўлса, қандай яхши! Ушбу гулзорга кўзимиз тушганида кайфиятимиз кўтарилади, ҳаётга бўлган муҳаббатимиз ортади. Айниқса, ўзимиз ёқтирган гуллардан дўстларимизга ҳадя қилишнинг ҳам ўзгача гашти бор. Шундай экан, сиз ҳам гуллар билан дўстлашишга ва сирлашишга ҳаракат қилиб кўрин!

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА, “Оила ва жамият” муҳбири

ЭЪТИБОР ВА МЕҲР КЕРАК

Фарҳод Бозори ичида жойлашган гул дўкони сотувчиси Хосият Дадабоева:

– Гулларни одамларга ўхшатаман... Ҳар бир инсоннинг ўз феъл-атвори бўлганидек, гуллар ҳам ўз табиатига эга. Одамларнинг дунёқарашига қараб муомала қилганимиз каби гулларга ҳам ўз табиатларидан келиб чиқиб гамхўрлик кўрсатиш зарур. Дўконимга гул сўраб келувчилар ҳам, гулларига бўлаётган



МУҚИМ БИР ЖОЙДА ТУРГАНИ МАЪҚУЛ

– Гуллар кўзларимиз қувончидир, – дейди уй бекаси Машҳура Шукuroва, – Инсонга ҳузур бахшида этиб, қалбларда гўзалликка муҳаббат уйғотади. Инсонга завқ-шавқ, бардамлик, тетиклик, қувонч бағишлайдиган бундай гўзаллик тимсоли ҳар биримизни ўзига оҳанрабодек тортади. Табиатнинг бу нодир неъматидан ҳамма баҳраманд бўлишни истайдик. Чунки гул-



Oila va jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Вуяртма Г – 1236. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 1895. Баҳоси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи:
Мусаҳҳиҳ:
Саҳифаловчи:

М. Тожимаматова
С. Сайдалимов
А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5